



## ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЪЛИМ СИЁСАТИ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ: ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ МОДУЛЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА ИНТЕГРАЦИЯСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20737307>

**Mukhitdinova Fiyuza Abdurashidovna**

*Professor, DSc in Law, Department of state and law theory, Tashkent State  
University of Law.*

*E-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com*

*Orcid: 0000-0003-1721-0189*

**Муҳитдинова Фируза Абдурашидовна**

*Юридик фанлар доктори (DSc), Тошкент давлат юридик университети  
«Давлат ва ҳуқуқ назарияси» кафедраси профессори.*

*feruza.mukhitdinova@gmail.com*

*Orcid: 0000-0003-1721-0189*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимида таълим сиёсати ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг концептуал асослари таҳлил қилинади. Мақолада халқаро тажриба ва хорижий олий таълим муассасаларида қўлланиладиган коррупцияга қарши махсус ўқув модулларининг (шу жумладан, Хитой ва Сингапурнинг креатив визуал технологиялари) миллий юридик таълимга интеграциялашуви масалалари тадқиқ этилган. Муаллиф томонидан ҳуқуқий нигилизмни енгиб ўтиш ва жазонинг муқаррарлиги принципини сингдиришда инновацион педагогик ёндашувларнинг аҳамияти асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** коррупцияга қарши таълим, ҳуқуқий маданият, антикоррупцион модуллар, БМТнинг UNODC ташаббуси, ҳуқуқий нигилизм, жазонинг муқаррарлиги, креатив педагогика, рақамли контент.

### КИРИШ

Замонавий глобаллашув ва трансформация шароитида давлат бошқарувининг барқарорлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш бевосита коррупция даражасининг пасайишига боғлиқ. Кўплаб ривожланаётган давлатлар, хусусан, Лотин Америкаси ва Марказий Осиё

минтақаси мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши фақат жазолаш (репрессив) чоралари билан курашиш кутилган самарани бермайди. Энг самарали стратегия — жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат ва юқори ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдир.



Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ҳуқуқий ислохотлар доирасида коррупцияга қарши таълим сиёсати давлат стратегиясининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Бу жараёнда бўлажак ҳуқуқшунослар ва давлат хизматчиларининг онгида антикоррупцион иммунитетни яратиш, шунингдек, хорижий таълим тизимидаги энг илғор модулларни миллий таълимга татбиқ этиш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

Ҳуқуқий маданият — бу шунчаки қонунларни билиш эмас, балки уларга қатъий риоя қилиш эҳтиёжи ва ички эътиқоддир. Коррупциянинг илдиз отишига сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири бу — **ҳуқуқий нигилизмдир**.

Инсонлар қонунларнинг адолатига ишонмаган ёки уларни айланиб ўтиш мумкин деб ҳисоблаган жойда коррупция ижтимоий нормага айланади.

Абу Наср ал-Фаробий ўзининг "Фозил одамлар шаҳри" асарида давлатни бошқарувчи раҳбарлар ва

фуқароларнинг маънавий-ҳуқуқий фазилатларига алоҳида тўхталиб ўтган. Аллома таъкидлаганидек, адолатли жамият барпо этиш учун таълим ва тарбия уйғун бўлиши шарт. Замонавий Ўзбекистоннинг ҳуқуқий сиёсати ҳам мана шу тарихий-фалсафий меросга таяниб, ҳуқуқий онгни тизимли равишда юксалтиришга қаратилган. Юқори ҳуқуқий маданият шаклланган жамиятда фуқаро коррупцион ҳолатга дуч келганда пасив кузатувчи эмас, балки унга фаол қарши чиқувчи субъектга айланади.

## ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МОДУЛЛАР ТАЖРИБАСИ

Жаҳон амалиётида коррупцияга қарши ўқитишнинг бир нечта муваффақиятли моделлари мавжуд. Халқаро миқёсда БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси (UNODC) томонидан ишлаб чиқилган **E4J (Education for Justice — Адолат йўлида таълим)** ташаббуси ушбу соҳадаги энг йирик глобал модул ҳисобланади.

Хорижий таълим модули / Дастури	Асосий йўналиши ва қамрови	Педагогик усули
UNODC "Education for Justice" (E4J)	Глобал этика, коррупциянинг иқтисодий оқибатлари, инсон ҳуқуқлари.	Муаммоли вазиятлар таҳлили (Case-study), интерактив ўйинлар.
Европа Иттифоқи Антикоррупцион дастурлари	Давлат харидларида шаффофлик, комплаенс-назорат (Compliance control) тизими.	Моделлаштирилган суд жараёнлари ва амалий казуслар.



Хорижий таълим модули / Дастури	Асосий йўналиши ва қамрови	Педагогик усули
АКТ (Антикоррупцион Трастинг) моделлари	Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари (Ethics and Integrity).	Симуляцион тренинглари, психологик тестлар.

Лотин Америкаси давлатлари (масалан, Чили, Колумбия ва Мексика) тажрибасида ҳам олий таълим тизимида давлат ва бизнес секторининг ҳалоллик стандартини (Integrity) баҳоловчи махсус академик курслар мавжуд. Бу модуллар талабаларга нафақат жиноят қонунчилигини ўргатади, балки коррупциянинг ижтимоий ва иқтисодий зарарларини математик ва социологик моделлар орқали кўрсатиб беради.

Шунингдек, мазкур мқолада БМТнинг UNODC (E4J — Education for Justice) глобал дастури ва халқаро экспертлар тажрибаси асосида ушбу соҳа қайси бўғинларда қандай ўқитилишини тизимли равишда кўриб чиқсак:

**Биринчидан, мактаб ёшидагилар учун.** Бунда мактаб тизимида болаларга "коррупция" ёки "жиноят" каби оғир юридик терминлар ва қонун моддалари ўқитилмайди. Бу ерда асосий мақсад — **этика, ҳалоллик (Integrity) ва адолат** тушунчаларининг пойдеворини яратишдир.

**Бошланғич мактабда:** Эртақлар, мультфильмлар ва интерактив ўйинлар орқали "бирининг нарсасини сўроқсиз олмаслик", "навбат кутиш" (тенглик

принципи) ва "ёлғон гапирмаслик" каби оддий ахлоқий нормалар сингдирилади.

**Юқори синфларда:** Мактабларда "Фуқаролик жамияти", "Ҳуқуқ асослари" ёки "Этика" фанлари таркибида кичик ўқув модуллари ташкил этилади. Бунда ўқувчиларга жамиятда коррупциянинг қандай зарар келтириши (масалан, сифатсиз қурилган йўллар ёки шифохоналардаги адолатсизлик мисолида) оддий қазуслар орқали тушунтирилади.

**Иккинчидан, олий таълим тизимида ҳам ўқув машғулоти ташкил этилган.**

Олий таълимда бу соҳа мустақил фан, академик курс ёки махсус ўқув модуллари сифатида **профессional даражада** ўқитилади. Бу ерда таълим икки йўналишда олиб борилади:

• **Ихтисослашган**

**(Юридик) йўналишларда:** Талабалар коррупциянинг ҳуқуқий табиати, халқаро конвенциялар, трансмиллий ва киберҳуқуқбузарликлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш ҳамда **комплаенс-назорат (compliance control)** тизимини чуқур ўрганадилар.

• **Ноюридик йўналишларда** (Тиббиёт,



**Иқтисодиёт, Педагогика ва ҳ.к.):** Халқаро тажрибада (масалан, АҚШ ва Европа университетларида) ҳар бир соҳанинг ўз **"Касбий этикаси" (Professional Ethics)** курслари бор. Бўлажак шифокор ёки иқтисодчи ўз соҳасида коррупцион хавф (риск) пайдо бўлганда қонуний қандай ҳаракат қилиши кераклигини айнан университетда ўқийди.

**Учинчидан, махсус курсларда ҳам мавжуд бўлиб, унда бу йўналиш** аллақачон фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини оширишга қаратилган бўлиб, хорижда энг ривожланган ва мажбурий тизимлардан бири ҳисобланади.

• **Давлат хизматчилари учун:** Янги ишга қабул қилинган ёки раҳбарлик лавозимига тайинланаётган амалдорлар учун мажбурий антикоррупцион тренинглари ташкил этилади. Унда манфаатлар тўқнашуви (conflict of interest), совға олиш тартиби ва декларация тўлдириш каби амалий жиҳатлар ўргатилади.

• **Бизнес ва Корпоратив сектор учун:** Халқаро йирик компаниялар ўз ходимлари учун "Корпоратив ҳалоллик" ва антикоррупцион комплаенс бўйича қисқа муддатли махсус сертификатланган курслар ўтказилади.

Хитой Халқ Республикаси (ХХР) тажрибаси коррупцияга қарши таълим сиёсати соҳасида дунёдаги энг ўзига хос, тизимли ва қатъий моделлардан бири ҳисобланади. Хитойда бу соҳа нафақат ҳуқуқий таълим, балки **давлат мафкураси, миллий маданият ва сиёсий тарбиянинг устувор йўналиши** этиб белгиланган.

Хитойнинг коррупцияга қарши таълим тизими ҳам мактабдан бошлаб давлат хизматчиларининг махсус курсларигача бўлган занжирни қамраб олади, бироқ у ўзининг бир қатор концептуал хусусиятлари билан ажралиб туради: Масалан, **мактаб ёшидагилар учун: "Ҳалоллик маданияти" дarsi йўлга қўйилган.** Хитой мактабларида коррупцияга қарши тарбия бошланғич синфлардан бошланади ва у **Конфуций фалсафаси (ахлоқ, Ватанга садоқат, ҳалоллик)** ҳамда замонавий социалистик кадриятлар уйғунлигида олиб борилади.

**Бошланғич ва ўрта мактабларда** махсус дарсликлар ва дастурлар орқали болаларга "Ҳалоллик маданияти" ўргатилади. Дарсларда тарихий адолатли амалдорлар ҳақидаги ҳикоялар, ватанпарварлик шеърлари ва коррупция жамиятни вайрон қилиши ҳақидаги оддий мисоллар когнитив (онгли) даражада сингдирилади. Мактабларда "Ҳалол мактаб", "Шаффоф синф" каби ижтимоий лойиҳалар ўтказилиб, болаликданок имтиҳонларда алдамчилик қилмаслик (шпаргалкадан



фойдаланмаслик) энг олий ахлоқий мажбурият сифатида тарбияланади.

**Олий таълимда эса, идеологик сиёсий курслар ва комплаенс тизими жорий этилган.** Хитой олий таълим муассасаларида антикоррупцион таълим мажбурий идеологик ва ҳуқуқий блокларга киритилган. Бунда **“Сиёсий ва ҳуқуқий тарбия” модули:** Барча йўналишдаги (ҳам юрист, ҳам ноюрист) талабалар учун мажбурий бўлган ушбу курсларда давлат бошқаруви ва ундаги ҳалоллик стандартлари ўқитилади.

**Ихтисослашган кадрларга катта аҳамият берилиши диққатга сазовордир.** Юридик ва иқтисодий университетларда Хитой Коммунистик партиясининг ички интизом қоидалари, коррупцияга оид жинойтлар трансмиллий таҳлили ва рақамли иқтисодиётда фирибгарликка қарши курашиш тизимлари алоҳида фан сифатида ўқитилади.

**Энг муҳим бўғин эса, махсус курсларда: яъни, давлат хизматчилари ва Партия аъзолари учун таълим йўлга қўйилганидир.** Хитойда давлат хизматчилари ва партия ходимларининг антикоррупцион малакасини ошириш тизими **Дунёда энг кучли ривожланган тузилмадир.** Бу жараён учта даражада амалга оширилади:

**Партия мактаблари (Party Schools):** Хитойда миллий ва минтақавий даражадаги махсус Коррупцияга қарши кураш

академиялари ва Партия мактаблари мавжуд. Ҳар бир раҳбар лавозимига тайинланишидан олдин ва фаолияти давомида мажбурий равишда интизом ва антикоррупцион қонунчилик бўйича имтиҳон топширади. Шунингдек, **“Визуал ва психологик” таълим усули қўлланилиб, унга кўра,** Хитой таълим сиёсатида фақат маъруза ўқиш билан чекланилмайди. Давлат хизматчилари махсус ташкил этилган **“Антикоррупцион таълим базалари” (кўргазмали музейлар)** га олиб борилади. У ерда коррупция билан қўлга тушган собиқ юқори лавозимли амалдорларнинг суд жараёнлари видеолари, уларнинг пушаймонлик хатлари ва камокхона шароитлари кўрсатилади. Бу ходимларда кучли психологик иммунитет ва **“кўрқув фактори”**ни шакллантиришга хизмат қилади. Эътиборли томони **оилавий антикоррупцион таълим ҳам мавжуд бўлиб, у** Хитойда раҳбар кадрларнинг турмуш ўртоқлари учун ҳам махсус курслар ташкил этилади. Унда оила аъзоларини таъмагирлик ва ноқонуний совғалардан узоқ туришга ўргатиш, оилавий муҳитда ҳалолликни сақлаш масалалари ўқитилади.

**Демак,** агар Лотин Америкаси давлатлари таълимда кўпроқ **Ғарб андозаларидаги “Академик ҳалоллик” (Academic Integrity)** ва **Либерал ҳуқуқий маданиятга** урғу берса, Хитой модели **“Қатъий интизом, ахлоқий қадриятлар ва психологик профилактика (кўрқув**



ва виждон уйғунлиги)" тизимиға таянади. Ўзбекистоннинг коррупцияға қарши таълим сиёсати учун Хитойнинг тизимлилик ва мактаб давридан бошлаб мафкуравий иммунитет шакллантириш тажрибаси жуда фойдали ҳисобланади.

Хитой, Сингапур, Жанубий Корея ва Европа Иттифоқи давлатларида болалар ва ўсмирлар учун **"жазонинг муқаррарлиги"** (**inevitability of punishment**) принципини тушунтиришда курук маърузалардан бутунлай воз кечилган. Уларнинг ўрнига юқори самара берувчи **креатив медиа-технологиялар ва қисқа видеороликлар** кенг қўлланилади. Сабаби — болалар психологияси қонун матнини эмас, балки **визуал образлар ва сабаб-оқибат занжирини** тезроқ қабул қилади. Хорижда бу йўналишда қўлланиладиган энг кизиқарли креатив усуллар ва видео-контент турлари қуйидагилардан иборат. Масалан, бошланғич мактаб ёшидагилар учун (6–10 ёшдагилар учун **креатив анимация ва мультфильмлардан** фойдаланилади. Бу ёшда "қамоқ" ёки "тергов" каби қўрқинчли образлар ишлатилмайди, лекин анимацион роликлар орқали **"ҳар қандай яширин қонунбузарлик барибир ошкор бўлиши ва жазо олиб келиши"** визуал кўрсатилади.

Сингапур тажрибасига назар ташласак, (СРІВ — Коррупцияни суриштириш бюроси роликлари): уларда болалар учун махсус суперқаҳрамонлар (масалан, ҳалоллик

рамзи бўлган айиқча ёки роботлар) иштирокида қисқа мультфильмлар тайёрланади. Ролик сюжетида салбий персонаж (масалан, навбатсиз ўтиш учун назоратчиға ширинлик берган айиқча) охирида барибир қўлга тушади, ундан ҳамма юз ўгиради ва у мусобақадан четлаштирилади. Бола онгида *"Адолатсизлик қилсанг, барибир фош бўласан ва ҳамма нарсадан айрилсан"* деган тушунча қолади. Шунингдек, **ижтимоий тажриба видеолари (Social Experiments)**: Европа мактабларида болаларға ширинликлар тарқатилади ва улардан бириға "агар мана бу ишни қилиб берсанг, сенға икки баробар кўп бераман" деб яширинча шарт қўйилади. Бу жараён видеоға олиниб, кейин синфхонада болаларнинг ўзларига кўрсатилади ва яширин келишувлар барибир ҳаммининг кўз ўнгида очикланиши (муқаррарлик) исботлаб берилади. **Ўрта ва юқори синф ёшидагилар учун (11–16 ёш) учун эса, интерактив роликлар ва ижтимоий кинолардан фойдаланилади.** Ўсмирлар ёшида "жазонинг муқаррарлиги" анча жиддий ва реал ҳаётға яқин форматларда кўрсатилади. **"Тармоқланган видеороликлар"** (**Interactive Choice Videos**): Бу АҚШ ва Жанубий Кореяда машҳур усул. Ўқувчиға YouTube ёки махсус платформада қисқа видео кўрсатилади. Видео ўртасида сюжет тўхтайди ва экранда иккита тугма чиқади: Қаранг, *1-вариант*: Қаҳрамон поралади/беради.



*2-вариант:* Рад этади. Агар ўқувчи 1-вариантни танласа, видео давом этиб, қахрамоннинг полиция томонидан қўлга олинishi, обрўсидан айрилиши ва қамоқхонага тушиши билан тугайди. Видео охирида: **"Сиз барибир бу якунга келардингиз, чунки қонундан қочиб бўлмайдисиз"** деган ёзув чиқади. Бу болани мустақил фикрлашга мажбур қилади.

**Шунингдек, реал тақдирлар ҳақидаги қисқа ҳужжатли фильмлар ҳам таълим ва тарбия учун ўта муҳимдир. Жумладан, бу Хитой тажрибасида юқори синф ўқувчилари учун коррупция туфайли бутун ҳаёти барбод бўлган собиқ амалдорлар, спортчилар ёки ҳакамлар ҳақида 3-5 дақиқали таъсирли роликлар кўрсатилади. Роликда қахрамоннинг ўзи камерага қараб: "Мен ҳаммадан ақллиман деб ўйлагандим, лекин тизим барибир мени топди ва жазолади. Ҳозир оилам ва фарзандларим мен сабабли шармандаликда яшайпти"** деб гапиради. Бу ўсмирларда кучли психологик таъсирни яъни, эмпатия ва кўрқув факторини уйғотади.

**Замонавий тренд усулида бу метаолам (Metaverse) ва VR-технологиялардан фойдаланилади.** Жанубий Корея ва Хитойнинг баъзи инновацион мактабларида ўқувчилар виртуал кўзойнақлар (VR) орқали моделлаштирилган суд жараёнларида иштирок этишади. Бола виртуал оламда "судья" ёки "терговчи" ролини ўйнаб, коррупционерни қандай қилиб фош этилиши ва панжара ортига

жўнатилиши занжирини ўз кўзи билан кўради.

## ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЪЛИМ СИЁСАТИ

Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясида коррупция давлат ривожланишига тўсиқ бўлувчи энг хавфли омил сифатида баҳоланган. Шу мақсадда мамлакатда алоҳида **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** ташкил этилди ва таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Жамиятда юқори ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва коррупцияга қарши таълим сиёсатини амалга ошириш бевосита давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ стандартлари билан боғлиқдир. Бу борада **БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 8-моддаси** (Давлат мансабдор шахсларининг хулқ-атвор кодекслари) талаблари халқаро миқёсда таълим модулларининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур халқаро стандартлар миллий қонунчилигимизда, хусусан, **Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонунида** ўз аксини топган. Қонунда давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги энг асосий мажбурият сифатида мустаҳкамланган. Бироқ, амалиётда ушбу нормаларнинг ишлаши учун нафақат маъмурий назорат, балки бўлажак кадрларни университет ва



махсус малака ошириш курсларида «Давлат хизматида ҳалоллик (Integrity)» модули доирасида тизимли ўқитиш тизимини янада кенгайтириш талаб этилади.

Зеро, Ўзбекистон юридик таълим муассасаларида, хусусан, Тошкент давлат юридик университетиди (ТДЮУ) коррупцияга қарши таълим сиёсати қуйидаги инновацион ёндашувлар асосида ташкил этилган:

• **Академик ҳалоллик стандарти:** Олий таълимда плагиатга қарши курашиш, имтиҳонларни рақамлаштириш ва инсон омилини истисно этиш орқали талабаларнинг илк йиллардан бошлаб ҳалол муҳитда шаклланиши таъминланмоқда.

**Махсус ўқув модулларининг жорий этилиши бу** юридик фанлар блокига "Коррупцияга қарши курашиш", "Комплаенс-назорат тизими" ва "Юристинг касбий этикаси" каби хорижий тажрибага асосланган фанлар ва модуллар тизимли равишда киритилди.

**Креатив педагогика ва казуслар орқали** талабаларга нафақат қуруқ назария ёки Жиноят кодекси моддалари ўқитилмоқда, балки реал ҳаётий вазиятлар, давлат харидларидаги яширин схемалар ва рақамли фазодаги (кибержиноятчилик шароитидаги) коррупцион хавфларни таҳлил қилиш ўргатилмоқда.

Шу билан бирга Хитой ёки Лотин Америкаси тажрибасини Ўзбекистон тизими билан қиёслаб, концептуал, илмий ва назарий тақлиф сифатида

*"Коррупцияга қарши таълимни концептуал ривожлантириш учун юридик педагогикага 'Психологик профилактика' модулини киритиш илмий жиҳатдан мақсадга мувофиқ..."* деб ҳисоблайман.

Глобаллашув ва рақамли технологиялар ривожланган бугунги даврда кибержиноятчилик каби янги хавфлар кўпайган бир пайтда, трансмиллий коррупцияга қарши курашишда рақамли кўникмаларни антикоррупцион таълим билан интеграция қилиш Ўзбекистон таълим сиёсатининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясида мустаҳкамланган адолат тамойиллари ҳуқуқий таълимни шунчаки қуруқ қонунларни ўргатишдан, тизимли антикоррупцион қадриятларни шакллантиришга ўтказишни талаб қилади. Шу боис, таълим сиёсатида Хитойнинг психологик-кўргазмали модели ва Лотин Америкасининг комплаенс-андозаларини Ўзбекистон Конституциясининг 78-моддасидаги **(78-модда.** Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.) шу бандига давлатнинг ёшлар ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда уларда ҳуқуқий онг



ва маданиятни юксалтириш мажбурияти билан тизимли интеграция қилиш илмий асосланган заруратдир.

Иккинчидан, Ўзбекистон мактаблари учун Жанубий Корея ва Сингапурнинг интерактив рақамли контент (қарор қабул қилиш имкониятини берувчи қисқа роликлар, рақамли симуляция ўйинлари) яратиш тажрибасини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Болаларга "жазонинг муқаррарлиги"ни куруқ жиноий моддалар билан эмас, балки сабаб ва оқибатни кўрсатувчи визуал медиа-маҳсулотлар орқали тушунтириш, уларда эрта ёшдан ҳуқуқий нигилизмнинг олдини олади.

## ХУЛОСА

Ўзбекистонда коррупцияга қарши таълим сиёсати нафақат ҳуқуқий

билимларни оширишга, балки жамиятнинг маданий ва маънавий коддини янгилашга қаратилган. Хорижий таълим модулларини (масалан, БМТнинг E4J ташаббусини) миллий ҳуқуқий кадриятлар ва Шарқ мутафаккирларининг адолат ҳақидаги таълимотлари билан уйғунлаштириш юқори самара бермоқда.

Жамиятда ҳуқуқий нигилизмни бутунлай йўқотиш ва коррупцияга нисбатан "ноль бардошлик" (zero tolerance) муҳитни яратиш учун таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда Лотин Америкаси ва Осиё давлатларининг ушбу соҳадаги илғор тажрибасини доимий равишда қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиб бориш зарур.

## REFERENCES / АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Constitution of the Republic of Uzbekistan. (2023). Registered Office: Tashkent, Adolat.

1. Al-Farabi. (1993). *The Virtuous City (Mabadi Ara Ahl al-Madina al-Fadila)*. (Revised Edition). Cairo: Dar al-Ma'arif.

2. Law of the Republic of Uzbekistan "On Countering Corruption" dated January 3, 2017, No. LRU-419.

3. Muhitdinova, F. A. (2026). History of Legal Doctrines and Development of Legal Culture. *Journal of State and Law*, 3(1), 45-52.

4. UNODC. (2019). *Education for Justice (E4J) Peer Review: Global Anti-Corruption Education Modules*. Vienna: United Nations Office on Drugs and Crime.

5. Zhang, L. (2024). Anti-Corruption Education and Political Integrity in China: Party Schools and Visual Prophylaxis. *Asian Journal of Legal Education*, 11(2), 115-128.